Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1926 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 244 (6881). ● 17 декабрь, 1978 йил ЯКШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТДАГИ тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехи коллективи йилни яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда. Кўплаб ишчилар йиллик план топшириқларини аллақачон бажариб қўйишди. Суратдаги: Фокиза Муротова ва Мавлуда Зокировалар ҳозир 1979 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қилишаётир.

А. Тўраев фотоси.



ЧИРЧИҚДАГИ Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида Ҳ. Қувондиқов ва Н. Шевеловлар ўз меҳнатлари туфайли катта обрў қозонишган. Уларнинг мақсади — бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини адо этишдир. Суратда: пешқадам ишчиларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 90-моддасига ва «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги СССР Қонунининг 12-моддасига мувофиқ СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўнинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов 1979 йил 4 март, якшанба кунига белгилансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1978 йил, 13 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ ҳамда «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги СССР қонунининг 13 ва 14-моддаларига асосан СССР Олий Совети Президиуми 1978 йил 13 декабрдаги фармони билан СССР Олий Совети Иттифоқ советига сайлов ўтказувчи 750 та сайлов округини тузди, шу жумладан

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА.

600. **Тошкент — Ленин сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Ленин, Сергели ва Фрунзе районлари.

601. **Тошкент — Киров сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Киров, Улуғбек посёлкаси билан Қуйбишев ва Ҳамза районлари.

602. **Тошкент — Октябрь сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Собир Раҳимов районлари.

603. **Тошкент — Чилонзор сайлов округи** (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов ва Чилонзор районлари.

604. **Ангрен сайлов округи** (маркази — Ангрен шаҳри).

Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Красногорский ва Чиғирик посёлкалари билан Янгиобод шаҳри, Оққўрғон, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ районлари.

605. **Бўка сайлов округи** (маркази — Бўка посёлкаси).

Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ва Бекобод, Бўка ва Пискент районлари.

606. **Калинин сайлов округи** (маркази — Калинин посёлкаси).

Калинин, Коммунистик ва Тошкент районлари.

607. **Чирчиқ сайлов округи** (маркази — Чирчиқ шаҳри).

Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ ва Оржоникидзе районлари.

608. **Янгийўл сайлов округи** (маркази — Янгийўл шаҳри).

Янгийўл шаҳри ва Ғалаба, Чиноз ва Янгийўл районлари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ ҳамда «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги СССР конунининг 13- ва 15-моддаларига асосан СССР Олий Совети Президиуми 1978 йил 13 декабрдаги фармони билан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайловлар ўтказувчи 750 та сайлов округини тузди, шу жумладан

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

115. Тошкент—Ленин сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Ленин, Улуғбек посёлкаси билан Қуйбишев ва Ҳамза районлари.

116. Тошкент—Чилонзор сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Сергели, Фрунзе ва Чилонзор районлари.

117. Тошкент — Октябрь сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри).

Тошкент шаҳрининг Киров, Октябрь ва Собир Раҳимов районлари.

118. Ангрен сайлов округи (маркази —Ангрен шаҳри).

Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари, Красногорский ва Чиғирик посёлкалари билан Янгиобод шаҳри. Тошкент областининг Оққўрғон, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ районлари.

119. Бўка сайлов округи (маркази — Бўка посёлкаси).

Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ва Тошкент областининг Бекобод, Бўка ва Пискент районлари.

120. Чирчиқ сайлов округи (маркази — Чирчиқ шаҳри).

Чирчиқ шаҳри ва Тошкент областининг Бўстонлиқ, Коммунистик ва Оржоникидзе районлари.

121. Янгийўл сайлов округи (маркази — Янгийўл шаҳри).

Янгийўл шаҳри ва Тошкент областининг Ғалаба, Калинин, Тошкент, Чиноз ва Янгийўл районлари.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

4-ихтисослашган қурилиш трестига қарашли 11-бошқарма коллективи куни кеча катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари знёдаси билан адо этилди. Йил бошидан буён 2 миллион 684 минг сўмлик иш бажарилди.

Бошқарма коллективи Олмалиқ кимия заводи, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати, Тошкент абразив заводи ва бошқа қатор корхоналарда бурғилаш ва сув билан таъминлаш ишларини амалга оширдилар. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида 220 та скважина бурғиланди ёки 20 минг метр бурғилаш ишлари бажарилди. В. Логвиненко ва С. Ефремовлар раҳбарлигидаги бригадалар коллективлари меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар шу кунларда келгуси йилнинг иккинчи ярми ҳисобига ишлашяпти. Бошқарма коллективи эса зарбдор йил охиригача яна мингларча сўмлик иш бажарадилар.

М. ФЕЛЬДМАН.



ЕВГЕНИЙ Ким Чиноз районидаги 5-авторемонт заводида токарь бўлиб ишлайди. Яқинда унга социалистик мусобақа ғолиби фахрий номи берилди, сурати корхона «Ҳурмат тахтаси»га қўйилди. Суратда: Е. Ким иш устида.

Т. Назаров фотоси.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

Ўртоқ Л. И. Брежнев эсдаликларидан иборат «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Кўриқ» китоблари «Ўзбекистон» нашриётида ўзбек тилида чоп этилган тўпламга киритилган. Тошкентдаги «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфия комбинатида босмадан чиққан тўплам кўп нусҳада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ЖАСОРАТ

ОБ-ҲАВО қийинчиликларини мардонавор енган колхозчиларимиз катта ғалабани қўлга киритдилар. 1190 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,5 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олинди. Етиштирилган 3590 тонна пахтанинг 3086 тоннаси «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Машина терими плани 103,5 процентга бажарилди.

Албатта бундай ютуқлар осонликча қўлга киритилганини йўқ. Баҳорнинг серёғин келиши пахтакорларимиз ишини мушкуллаштириб қўйди. Дуркун ўсаётган 254 гектар майдондаги ғўзани дўл уриб кетди. Турсунали Пўлатов, Матмуса Бўтаев раҳбарлик қилаётган бригадаларда чигитни қайта-қайта экишга тўғри келди.

Пахтакорларимиз ғўза парваришини комплекс авж олдириш, ҳашаротларга қарши курашда жонбозлик кўрсатдилар. Асосий эътиборни ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни олдингиларга етказиб олишга қаратдик. Бу мақсадга эришдик ҳам.

Об-ҳавонинг паст келганлиги натижасида пахта кеч пишди. Иғим-терим ишлари анча орқага сурилди. Деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини тез ва соз йиғиштириб олиш тадбирчораларини кўрдилар. Колхозимизда иккита йиғим-терим отряди тузилди. Терим машиналарининг юксак унум билан ишлаши учун мавжуд имкониятлар яратдик.

Бригадалар ўртасида уюштирилган мусобақада А. Курбонов бошлиқ коллектив пешқадамлик қилмоқда. Улар мавжуд 102 гектар майдоннинг ҳар гектаридан шу кунгача 37 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардилар. Икром Мусаев, Павел Дю, М. Абдураҳмонов етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 34—35 центнерга етказилди.

Иғим-теримда механик ҳайдовчилар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Колхозимиз бўйича ҳар бир терим агрегати билан ўрта ҳисобда 170 тоннадан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Тўлқин Бекмўлатов, Ғуломқодир Ҳамроев, Ўсган Ўринбоев, Пардали Қурбоналиевлар ўз агрегатлари бункерларидан 180—190 тоннадан дурдона тўкдилар.

Бу йилги мавсумда кўп минг килограммчи теримчилар ҳам алоҳида намуна кўрсатишди. Ҳозиргача 5—6 тоннадан пахта терган Шарифа Ўсарова, Гулнора Ҳолдорова, Ҳолқиз Рустамова, Бусалима Ҳайдарова, Тамара Сулаймоноваларнинг номини колхозчиларимиз ҳурмат билан тилга оладилар.

Айни кунларда колхозимиз даладарида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилининг сўнгги миқолларини йиғиб-териб олиш билан бирга келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирланаётир. Кузги-қишки ишлар комплексини белгиланган қатъий график асосида олиб бормоқдамиз. Ҳозиргача барча экин майдонининг 1424 гектари сифатли шудгорланди. Кам ҳосиллик 460 гектар майдонни 2 ярусли плуглар билан ҳайдадик. Бу майдонларга шудгорлашдан олдин 530 тонна суперфосфат, 7550 тонна органик ўғит солинди.

Колхозимиз аъзолари келгуси йилда пахта ҳосилдорлигини янада ошириш учун кузги-қишки тадбирларни зўр уюшқоқлик билан амалга оширадилар.

Р. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози раиси.

ҚЎШ ҒАЛАБА

ИҒИМ-ТЕРИМ айни қизғин кезларда Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», Ильич номли, Тимирязев номли, Мичурин номли колхозлар суръатга суръат қўшиб, кунлик ўсишни 3—10 процентга етказдилар. Бошқа хўжаликлар ҳам кунда бўлмасада, тез-тез пешқадамлар сафига кўтарилиб туришди. Карл Маркс номли колхоз эса бирор кун рўйхатнинг охиридан юқорига кўтарила олмади. Октябрь ойи тугаяпти-ку, ҳамон ўзгариш йўқ...

Нима учун шундай? Шароит бир хил, имкониятлар ҳам тенг. Демак, терим суръати ҳам бирдай бўлиш керак... Сабаб нимада?

Ана шу саволларга тўла жавоб олиш мақсадида хўжаликда бўлиб, дала айландик, раҳбарлар билан, мутахассислар ва уста пахтакорлар билан суҳбатлашдик. Қизиғи шундаки, ҳамманинг кайфияти яхши, руҳи тетик, планнинг бажарилишига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бунинг боисини райснинг сўзларидан билиб олдик.

Пахта экиладиган еримиз оз эмас — 1070 гектар, — деди Шомурод Очилов. — Чигитни 10 иш кунидан кечиктирмай экиб олиш учун техника ҳам, одамлар ҳам тонг бўзаргандан то кўз кўрмайдиган пайтгача тўхтовсиз ишлаб туриши керак. Колхозчиларимиз бундай тартибга кўникишган, техникамиз ҳам етарли. Аммо, бемаврид келган ёғингарчилик қўлимизни боғлаб, ҳар йилгидек бемалол ишлашга имкон бермади. Шундай бўлсада, қўёш йилт этиб, далага кириш мумкин бўлган кунларда ғайрат қилиб, ҳамма карталардаги ғўзаларни бутлаб олдик. Бироқ ишнинг чатоғи кейин чиқди. Июнь ойининг бошларида 500 гектардан кўпроқ майдондаги ғўзани бир кечадаёқ дўл уриб кетди. Буни қарангки, табиат худди ўчакишгандек, энг дуркун ривожланган карталардаги ғўзаларни дўл билан савалаб, гугурт чўпидек яйдоқ қилиб қўйди. Яна шуниси борки, табиатнинг ҳамма «тўполони» бизнинг далада бўлди. Еримизнинг ярмини тўрт марта бузуб, тўрт марта чигит экдик. Бошқа хўжаликлар бизчалик зарар кўрмади. Шунда ҳам умидсизланмадик. Ишни яна бошидан бошладик.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Мирза Акимбоев, бош агроном Саидқул Назаров билан дала айланиб, раиснинг ҳақ гапни айтганига тўла ишончим ҳосил қилдик. Маррага яқинлашиб қолган Рашадин Муҳиддинов бошлиқ бригадада пахтазорларида машина терими авжида. Ким ўзарга бахслашиб ишлаётган Жонон Эргашев билан Нуриддин Муҳиддиновларнинг ҳеч нарса билан ишлари йўқ, кўзлари эгатларда-ю, дам ўтмай машина бункерига қараб қўйишади. Бункер тўлди дегунча, кетма-кет тўкилган пахта пешма-пеш, териб олинянти. 400 гектар майдонда ҳам 3—4 кун ичида машина терими бошланади. Об-ҳаво кўкламдаги найранглари эвазига буёғига 5—6 кун туриб берса бас, маррага етиб оламиз.

Аммо об-ҳаво мурувват кўрсатмади, куз кузлигини қилди. Колхоз эндигина 2000 тонна пахта топшириб, планни 60 дан оширганида ёғин-сочин бошланиб кетди.

...Карл Маркс номли колхознинг халқ хўжалик планини бажарганлиги ҳақида Бўкадан хушхабар келгач, партком секретари билан телефон орқали боғландик. Унинг ҳикоя қилишича, ёғингарчилик барча режаларни бузиб юборди. Илгари тузилган тиғиз иш графиги бекор бўлиб қолди. Шундан сўнг асосий эътибор қўл теримини кучайтиришга, колхозда далага чиқа оладиган ҳар бир кишини пахтазорга оммавий сафарбар этиш, шунингдек, ҳашарчилар кучидан самарали фойдаланишга қаратилди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чевар теримчилар ҳамда ҳашарчиларнинг меҳнат активлигини ошириш мақсадида социалистик мусобақа шартларини тузиб чиқиб, ҳар беш кунлик якунида кўчма вимпел ва пул ҳамда қимматбаҳо буюмлар ажратишга қарор қилди. Ўзаро меҳнат беллашувининг бу таъсирчан формаси тез орада ўз натижасини кўрсатди. Меҳрибон Бозорова, Бибиниёз Раҳмонова, Дилбар Мирбадалова, Анор Ҳамроева, Мазрифат Раҳмонова сингари чевар теримчилар мусобақада пешқадамлик қила бошладилар. Ангрендаги геология-қидирув отряди коллективи ва шу шаҳардан келган 24-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам кунлик ўсишда мунтазам юқори кўрсаткичларга эришиб, беш кунликлар якуни бўйича бир неча марта қимматли совғиларни қўлга киритдилар.

Иғим-терим ишлари қийинлашган кунларда жами 1200 нафар ҳашарчи колхозчиларга сидқидилдан ёрдам бердилар. Хўжалик давлатга 3150 тонна пахта сотиб халқ хўжалик планини муваффақиятли бажарган экан, бунда ана шу саховатли ҳашарчиларнинг хизматлари каттадир. Масалан, 24-ўрта мактаб ўқувчилари 170 тонна, геология-қидирув отряди коллективи 150 тонна, Янгийўлдаги 6-ўрта мактаб ўқувчилари 130 тонна пахта териб беришиб, колхоз хирмонига барака киритдилар.

Акром Мансуров ва Нормурод Ражабовлар раҳбарлигидаги бригадаларда ҳосилдорлик 38 центнерга етказилиб, халқ хўжалик плани 130—137 процент қилиб адо этилди. Хидир Мусақулов ва Рашадин Муҳиддиновлар бошлиқ бригадаларда эса халқ хўжалик плани 117 процент қилиб бажарилди.

— Бу йил биз қўш ғалабани қўлга киритдик, — дейди сўзининг охирида Мирза Ҳакимбоев. — Биринчидан, колхозимиз аъзоларининг фидокорона меҳнатлари билан табиий офат ҳужумларини муваффақиятли енгиб ўта олдик ва дадаларимизда мўлжалдагидек ҳосил тўпладик. Иккинчидан шундай қийин ва мураккаб шароитда халқ хўжалик планини бажариб, катта ғафар қучдик.

Қўш ғалабадан руҳланган колхоз пахтакорлари КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларига жавобан кузги-қишки тадбирдар комплексини амалга оширишга қизғин киришдилар. Пахта майдонларини ғўза поялариданн тозаланиб, ўғитланмоқда ва сифатли шудгорланмоқда. Карталар бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ҳам қизғин бошлаб юборилди.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



ЛАУРЕАТ ИШЧИ

ОРЗУ! У ҳар бир инсон қалбида мавжуд. У кишини доимо олға чорлайди, янгиянги марралар сари илҳомлантиради. Ҳаёт қозонида қайнатади. Юсуфжон ҳам ёшлигиданоқ токарь бўлишни орзу қилди. Қалбида ловуллаб турган бу иштиёқ уни 1958 йилнинг баҳор кунларидан бирида «Узсельхозтехника»нинг Қўйлиқдаги тажриба-ремонт механика заводига етаклаб келди.

Юсуф ишни шогирдликдан бошлади. Ахир ишчиликнинг қонуни шундай-да: «Шогирд бўлмай ҳақиқий ишчи бўлолмайсан!» дейишади. Бўйсунмай иложи йўқ. Устозсиз касб, маҳорат сирларини пухта эгаллаш эса амри маҳол.

Юсуф цех бошлиғи Николай Адимов билан мотор цехига кирганида турли-туман станокларнинг шовқини уйғунлашиб ўзгача бир оҳанг касб этганди. Бу ернинг ўзига хос муҳитидан ҳайратга тушган Юсуфни қандайдир ҳис-ҳаяжон чулғаб олди.

— Мана бу киши Андрей Полев, — уни ҳаёлини бўлди цех бошлиғи, қотмадан келган, чайир кишини унга таништираркан.

— Андрей Ефремович, йигитчани ўз мураббийлигингизга оласиз.

Полев Юсуфга обдон разм солиб чиққач, бошлиқ қа, «хўп» дегандай ишора қилди-да, станокнинг тугмасини босди. Қўнғироқча эски шатунни олиб, чаққонлик билан дастгоҳга ўрнатди. Ўткир тиғ деталнинг қабариқ жойларини бир текис йўна бошлади. Олиб ўлчаб кўрди яна ўрнатди... олди. Микрометр билан ҳажмини текшириб ўлчади. Ниҳоят, станок тугмасини босди. Тўхтади. Мана кўрдингми, дегандай бўлажак шогирдига қаради.

— Ўқдингми?

— Ўқдим.

— Қани бошла бўлмаса.

Юсуф детални худди устози кўрсатгандек қўлига олиб, станокка ўрнатди ва уни йўна бошлади. Шу куни ундан бахтиёр киши йўқ эди. Устози унинг зийраклигидан мамнун бўлиб, елкасига қоқди.

— Бўлди, бугунга етар. Тағин чарчаб, ишдан безиб қолмагин. Мана бу шатун, — дея гапини давом эттирди Полев. — Моторни ишлатувчи асосий деталь. Ишдан чиққан. Унга қайта ҳаёт бахш этмоқ сен билан менинг вазифам. Махсус ўлчагичу асбоблари билан ҳажми белгилаб олингач, қабариқ, ортиқча жойларғ йўниб силлиқланади. У технологияни Юсуфга обдон тушунтириб, қўшимча қилди.

— Энг муҳими сифат, билдингми?! Ҳеч қачон кетидан қувма. Маҳоратинг ошган, тажрибанг бойиган сари миқдорни ҳам қувиб етасан. Аввал сифатли деталь тайёрлашни пухта ўрганиб ол...

Полев ҳақ бўлиб чиқди. Вақт ўтган сари Юсуфнинг тажрибаси ҳам, маҳорати ҳам ошиб борди. Устози билан тенг меҳнат қила бошлади. Юсуфнинг бир яхши одати бор. Билмаганини сўраб ўрганади. Ҳеч тортинмайди. Қийналса тажрибали ишчиларга мурожаат қилади. Юсуф смена топшириқларини 50—60 процентга ошириб бажаришни одат қилиб олди. Бу унинг номини тилга туширди. Коллектив ҳурматини қозона бошлади.

— Мана энди бемалол беллашсак ҳам бўлади, — деди Андрей Полев бир куни.

— Бўлмасам-чи, устоздан ўзмаган шогирд шогирдми? Албатта, беллашамиз, — ҳазилга олди Юсуф.

Шу-шу ўстоз-шогирд мусобақадош. Ҳар йили шарсий мажбурият олиб ишлашади. Уни ортиғи билан бажаришади ҳам. Кейинги йилларда Юсуф олдинга ўтиб олди.

— Мана мендан ҳам ўзиб кетдинг, — деди устози қувониб. — Кунига 35 та шатун тайёрлаяпсан. Бу ҳазилакам гап эмас. Раҳмат сенга.

Моҳир токарь меҳнат зафарларини қўлга кирита борди. Унинг кўксини «Социалистик мусобақа ғолиби», «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Ўз касбининг устаси», «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори» каби фахрли нишонлар безади. Меҳнатда эришган қатор ютуқлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ўнинчи беш йилликка мукофотдан руҳланиб, илҳоми жўшиб шаҳдам қадам қўйди. Икки йиллик топшириқни 1976 йилнинг декабридаёқ ўринлатиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик байрамини беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариб кутиб олди. 1978 йилнинг ўн бир ойи давомида олти мингдан зиёд двигателга деталь ишлаб берди.

Оддий ишчининг фидокорона меҳнати юксак мукофотга сазовор бўлди. Юсуфжон ака Маҳмуджоновга СССР Давлат мукофоти лауреати унвони берилди.

— Бу юксак унвон мени янада юксак марралар сари илҳомлантиради, — дейди у биз билан бўлган суҳбатда. — Уни фақат менинг эмас, бутун коллективнинг меҳнатига берилган мукофот деб биламан. Чунки мен шу ерда, шу даргоҳда касб, ҳунар ўргандим. Шу коллектив фарзандиман.

Ҳа, инсон меҳнати билан гўзал. Юсуфжон ака ҳам 20 йиллик меҳнати билан ўзига хос «боғ» яратди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. У булар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Т. ТОШЕВ.

Бир вақтларда бу ерлар қирлар, ардлардан иборат эди. Сувсизликдан қақраб ётган заминга инсон қадами тегди. Кейин адрлар бағри очилиб унга «оқ олтин» зарраси ташланди. Бу ишни биринчилардан бўлиб бошлаган Бахши Искандаров бригадаси ўша йили ўзи етиштирган ҳосилдан қаноатланмади. Чунки неча йиллар давомида тунд ётган замин билан тиллашиш қийин эди. Бригада пахтакорларн ортга чекинмадилар, ерни техника ихтиёрига топширдилар, тўдириб озиқлантирдилар. Аста секин ҳосилдорлик ортиб борди.

Азамат пахтакорлар бу йилги қийин шароитга қарамай 97 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олдилар. Шўрхок ерлар учун бу қувончли марра эди. Бўка районининг «Кўкорол» совхозида фидокорлик кўрсатаётган ана шу заршуносларнинг меҳнатини совхоз маъмурияти юксак баҳолади.

Суратда: бригада бошлиғи Б. Искандаров ўз аъзолари билан суҳбат пайтида.

И. Тўлқинбоев фотоси.

БИЛИШНИНГ ОҚИЛОНА УСУЛИ

Биз муқояса, яъни қиёслашлар оламида яшаймиз, десак сира муболаға бўлмайди. Каттани-кичик билан, яхшини-ёмон билан, тўғрини-эгри билан таққослаб билишга шу қадар ўрганиб кетганмизки, нарса ё ҳодисаларга хос ҳусусиятларни баҳолашда қиёслаш методини қўлланаётганлигимизни ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтиравмиз. Халқ даҳосининг асрлар дошқозонида қайнаган мевасн бўлмиш мақол ва ҳикматли сўзлардан тортиб мураккаб илмий тушунчалар билан иш кўрадиган фан соҳаларигача қиёслаш методидан фойдаланади.

Кундалик турмушда ҳар қадамда қиёслашга дуч келамиз. Тилимизда қиёслаш билан боғлиқ мақоллар кўп учрайди. Масалан, «Беш қўл баравар эмас», «Одам-одамнинг кўзгуси», «Бир томчи сув чумолига дарё кўринади» ва ҳакозо.

Илмнинг мантиқ, кибернетика, математика, биология, филология, ҳуқуқшунослик каби соҳаларида қиёслашдан кенг фойдаланилади. Таққослаш методи барча илмий методлар каби марксча-ленинча диалектикага асосланиб, уни тадқиқотнинг ўзига хос калити қилиб олган фан соҳалари ҳам мавжуд. Масалан, тилшуносликда қиёсий тилшунослик, анатомияда — қиёсий анатомия, географияда қиёсий география, ҳуқуқшуносликда — қиёсий ҳуқуқшунослик ва ҳоказо.

Маълумки, ҳаётда ҳамма вақт ҳам беш бармоқни таққослашдек осонликча ҳал этиладиган қиёслаш ҳолларига дуч келинавермайди. Мисол учун, колхозни бошқаришни олайлик. Раис ўзига қарашли хўжаликни оқилона бошқариш учун қанчадан-қанча ахборот қабул қилиши, уларни маълум вақтгача диққат-эътиборида тутиб туриши лозим. Мазкур ахборот далалардан, фермадан, устахоналардан йиғилади. Раис, булардан ташқари, колхоз шароитини, имкониятларини, одамларни яхши билиши керак. Хуллас, ҳар қандай яхши раис колхозни бошқаришга оид сонсиз-саноқсиз информацияни чамалаб, ўзаро таққослаб, бирдан-бир тўғри хулосага келади.

Фақат раис эмас, умуман саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ҳар қандай раҳбар, бошлиқ, фан-техника, маданият ва санъат соҳасидаги маъсул кишилар жуда кўп информацияларни бир-бири билан таққослашга ҳамиша эҳтиёж сезадилар. Информация қанчалик кўп бўлса, уларни таққослаш ҳам, тўғри хулоса чиқариш ҳам шунчалик мушкул бўлади. Кишилик бахтига, асримиз ўрталарига келиб минглаб, миллионлаб информацияларни ғоят қисқа вақт ичида қайта ишлаб берадиган электрон-ҳисоблаш машиналари яратилди. Бинобарин, XX аср мўъжизаси бўлган кибернетикада ҳам таққослаш методи муҳим роль ўйнайди.

Бадиий адабиётни айтмайсизми. Бизнингча, ўз ижодида қиёслаш усулига мурожаат қилмаган шоир ёки ёзувчини адабиёт тарихидан топиш мумкин бўлмаса керак. Ёш Алишернинг мана бу машҳур байти Навоий тўғрисидаги деярли ҳар бир китобда келтирилади:

Оразин ёпқоч, кўзумдин
сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур
юлдуз, ниҳон бўлғач
қуёш.

Хондамирнинг ҳабар беришича, кексайиб қолган Лутфий Алишер Навоийнинг юқоридаги матла билан бошланувчи ғазалини тинглаб бўлгач: «Агар имкони бўлса, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим», деган экан. Тили бийрон Алишернинг бу ажойиб муқоясасидан ғоят таъсирланган мавлоно Лутфий адабиётимиз осмонида энг ёрқин юлдуз пайдо бўлганини каромат қилган эди.

«Ҳамма нарса таққослашда билинади», деган эски нақл халқ тажрибасидан олингандир. Зотан, тафаккур қилувчи ҳар бир киши таққосламаслиги мумкин эмас.

Таққослаш усули илмий метод сифатида Ўрта Осиёдан етишиб чиққан буюк олимлар ва мутафаккирлар — Беруний, Ибн Сино, Форобий, Рудакий, Хоразмий, Навоий, Улуғбек, Муқимий, Фурқат ва бошқаларнинг асарларида моҳирона ишлатилган. Улар таққосланаётган объектларнинг ўзаро ўхшашликка, умумий негизга ёки бир хилликка эга бўлишига алоҳида аҳамият беришган. Уларнинг кўрсатишларича, акс ҳолда ҳар қандай таққослаш ўзининг реал асосини йўқотади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг нисбатан ёш соҳаси бўлиб, у қиёсий-тарихий метод сифатида асосий тарихий тадқиқотларда ривожланиб борган. Қиёсий-тарихий методни ишлаб чиқаришга катта ҳисса қўшганлар ичида немис олими В. Гумбольдт ҳамда француз философи О. Кантнинг хизматлари диққатга сазовордир. Шуларнинг ва бошқа бир қанча тадқиқотчиларнинг меҳнати туфайли қиёсий-тарихий метод ва қиёсий ҳуқуқшунослик XIX аср бошларида юксак тараққиёт даражасига эришди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз асарларида таққослашдан унумли фойдаланишган. Бу усулнинг самарали эканига ишонч ҳосил қилгач, уни «рационал метод» деб атаган эдилар.

Марксизм классиклари ўзларининг барча шоҳ асарларида таққослаш методига изчиллик билан амал қилганлар. Масалан, К. Маркс ўзининг докторлик диссертациясида Эпикур фалсафасини материалист Демокрит фалсафаси билан таққослаб, бундан революцион хулосалар чиқаради.

В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг таққослаш методи ҳақидаги ғояларини ривожлантирди, ўзининг машҳур «Давлат тўғрисида», «Давлат ва революция» каби асарларини шу метод асосида яратди. Доҳий қуруқ, мантиқсиз таққослашларга, мавҳум ўхшатишларга, моҳияти жиҳатдан бир-бирига яқин келмайдиган нарса ва ҳодисаларни муқояса қилишга бутунлай қарши эди. В. И. Ленин бир хил типдаги ижтимоий-иқтисодий заминга эга бўлган давр ёки ҳодисалар, сиёсий шароитлар ва синфий кучлар жойланишинигина ўзаро таққослаш жоиз эканлигини уқтирган эди. Владимир Ильич тарихий фактлар ва ҳодисаларни вақт ва макон бўйича таққослашнинг қизғин тарафдори эди.

Таққослаш турлича бўлиши мумкин: оддий бирламчи, қиёслаш, тарихий, яъни параллел таққослаш ва қарама-қарши қўйиш. Муқоясанинг ҳар қандай турида ҳам қиёсловчидан соғлом ақл-идрок ва мантиқ доирасидан четга чиқмаслик талаб қилинади.

М. ФАЙЗИЕВ,
юридик фанлар кандидати.

ЖИЛОКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трестига қарашли 53-бошқарма пешқадам коллективларидан ҳисобланади. Бошқарма жилокорлари пойтахтимизнинг турли жойларида қад кўтараётган уй-жойлар, маданий-маиший ва маъмурий объектлар қурилишида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Коллективда беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа қизғин тус олган. Меҳнат беллашувида Исроил Исмоилов бошлиқ сувоқчилар, Ҳамид Эрдонов бошлиқ дурадгорлар ва Э. Мадерев етакчилик қилаётган сайқалчилар бригадалари пешқадам бўлишмоқда. Бу бригадаларнинг азаматлари шу йил фойдаланишга топшириш мўлжалланган композиторлар турар жой биноси, болалар боғчалари ва бошқа объектларда графикдан ўзган ҳолда иш бажаришаётир. Бошқармада илғорлар сафининг ўсиши сабабли коллектив беш йилликнинг учинчи йили топшириғини 15 ноябрда адо этишга муяссар бўлди. Пешқадам коллектив йил охирига қадар яна 240 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилди.

Н. АБДИЕВ.

БИНОКОРЛАР ҲИММАТИ

Бу механизациялашган кўчма колонна коллективи шарафли вазифани бажармоқда. Ишчи-хизматчилар колхоз ва совхозларда теплица хўжаликлари, парниклар қурилиши билан шуғулланишяпти. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ана шундай корхоналарини қуришга эътиборнинг кучайиши улар зиммасидаги вазифа масъулиятини янада кучайтирмоқда.

Колоннада меҳнатнинг пухта ташкил этилиши, ҳар бир бинокорнинг сидқидилдан ишлаши туфайли салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. «Спецсельхозмонтаж» трестига қарашли ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасидаги социалистик мусобақада муқофотли ўринлар эгалланмоқда. Оржоникидзе районидаги бу колонна бунёдкорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини шараф билан бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Йил бошидан бери салкам 1 миллион 200 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу кунларда зарбдор меҳнат давом этмоқда. Бинокорлар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йил охиригача ками билан 70 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга интилмоқдалар.

О. ИСКАНДАРОВ.

МАВЛУДА Нишонова Тошкентдаги тажриба-пиллакашлик фабрикаси илғор ипак ўровчиларидан ҳисобланади. У смена ва ойлик топшириқларини 120—130 процент қилиб адо этмоқда. Суратда: М. Нишонова иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

САНЪАТ ШАЙДОЛАРИ

Ю. А. ГАГАРИН номли тўқимачилар Маданият саройининг мўъташам биносига кираверишдаги кенг ва ёруғ зални кўрганингизда ўзингизни дагидек ҳис этасиз. Бу ерга комбинатнинг машҳур тўқимачилари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари—йигирувчи Буолма Жўраева, тўқувчи Лидия Павловна Казанцева, шунингдек ишлаб чиқариш илғорларининг бронза ва ганчдан ишланган бюстлари, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат асарларининг етук намуналари қўйилган. Бу ерда хилма-хил тўгараклар мавжуд. Ўзбек халқ рақс ансамбли, ўзбек халқ драма театри, кино ҳаваскорлик, тасвирий санъат студияси, бадиий сўз санъати театри, эстрада ансамбли, «Оптимист» номли рус драма театри, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларининг хори каби тўгараклар шулар жумласига киради. Катта бир хонага киришингиз билан халқ театри коллективи машғулот ўтказаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Театрнинг бадиий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмад Юнусов тўгарак аъзоларига, албатта янги саҳна асарини ўргатаётган бўлади. Қўшни хонада эса қувноқ музика садолари янграйди. Бу ерда ўзбек халқ рақс ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Маргарита Оқилова ўз қизларига чет эл сафаридан ўрганиб келган янги рақсларини ўргатмоқда. Ҳа, Маргарита опанинг меҳнатлари зое кетмади. Кичик бир тўгаракдан катта бир ансамбль етишиб чиқди. 1953 йили тўқимачилар Маданият саройида бадиий ҳаваскорлик ашула ва рақс тўгараги ташкил этилди. Тўгарак қатнашчилари, асосан тўқимачилик комбинатининг санъатга меҳр қўйган ишчилари эди. 1956 йили ансамбль дастлабки ижодий ютуқни қўлга киритди. Республикада энг ажойиб бадиий ҳаваскорлик коллективлари қаторида ёш коллектив Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик кўригида қатнашиш учун Ватанимиз пойтахти — Москвага йўл олди. У ерда ёш санъаткорлар муваффақиятли қатнашиб, биринчи даражали диплом билан мукофотланди. Ансамбль шундан кейин янги концерт программаси билан аввал Бутуниттифоқ студент-ёшлар фестивалининг, кейинчалик VI Жаҳон студент-ёшлар фестивалининг лауреати бўлди. Биринчи даражали диплом ва олтин медаль билан тақдирланди.

Ана шу тариқа ансамбль довруғ тарата бошлади. Дастлаб фақат комбинат ишчилари ҳузурида концерт программаларини намойиш этган бу ансамбль кейинчалик республикамиз, Иттифоқимиз, ҳатто чет элларда ўз маҳоратини намойиш этди. Тўқимачиларнинг халқ рақс ансамбли Болгария, Норвегия, Польша ва бир қанча Европа мамлакатларида бўлиб, санъат мухлисларини мамнун этди.

Ансамблнинг камоли, бевосита Ўзбекистон ССР халқ артистлари Исоҳор Оқилов ва Маргарита Оқилованинг номи билан боғлиқдир. 1977 йилнинг июль ойида Венгрияда миллий халқ рақсларининг VI Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Ана шу фестивалда Венгриядан 6 ансамбль, СССР, Болгария, Чехословакия, Польша, Югославия, Руминия, ГДР, Португалия ва Бельгия мамлакатларидан биттадан ансамбль қатнашди. Совет Иттифоқидан Тошкент тўқимачилар Маданият Саройининг халқ рақс ансамбли қатнашди. Халқ талантларининг бу санъат байрамида ансамбль рақсолари «Шодиёна», «Хоразмча», «Қайроқ», «Узум теручи қиз» каби рақсларни зўр маҳорат билан ижро этдилар.

Ансамбль аъзоларидан Р. Ниёзова, Г. Жиянбоева, М. Орипова, Н. Алимова, Ҳ. Жўраева, Т. Юсупов, Т. Мўминов ва бошқалар ўз маҳоратларини яққол намойиш эта олдилар. Сегед шаҳри маркази-да, Мако ва Бекеш каби саноат шаҳарларидаги концерт программаларида ҳам, Будапештдаги чиқишларда ҳам ҳамшаҳарларимиз олқиш ва мақтовларга сазовор бўлдилар. Венгрияда ўтказилган Халқаро фестивалнинг юксак соврини — «Олтин ковушча»ни қўлга киритдилар.

Шунисн характерлики, ансамбль аъзоларининг деярли ҳаммаси ишчилар, турли касб эгаларидир. Масалан, Р. Ниёзова, Г. Жиянбоева — йигирувчи, Р. Хромцева — ип пишитувчи, Р. Юнусова — комбинат қошидаги ҳунар билим юртининг ўқувчиси, М. Орипова — педагог, Эркин Абдураҳмонов — слесарь, Тоҳир Саидқулов — студентдир.

Тўқимачилар Маданият саройи директори Тўра Жўраев биз билан суҳбатда шундай деди:

— Яхши дам меҳнатга ҳамдам, — дейди донолар. Дарҳақиқат шундай. Ишчи кун бўйи тер тўкиб толиқади. Унумли меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариш эртанги ишнинг баракали бўлишини таъминлайди. Ҳар куни кечқурун ишдан кейин ишчилар Маданият саройимизга ташриф буюришади.

Маданият саройида Улуғ Ватан уруши ва меҳнат қаҳрамонлари, таниқли адиблар, фан ва санъат арбоблари билан тез-тез учрашув кечалари ўтказилиб турилади. Бу ерда амалга оширилаётган ҳар бир тадбир тўқимачиларнинг Маданият саройига бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Энди икки оғиз сўз ҳаваскорлик халқ киностудияси ҳақида. Бу тўгаракка истеъдодли ёш режиссёр ва оператор Жамолиддин Акромов етакчилик қилади. Студияга 15 киноҳаваскор аъзо. Улар айни кунларда икки ҳужжатли фильм устида ишламоқдалар. Ансамблимиз эса ўтган йили Узбекистон Ленин комсомоли лауреати бўлди.

Дарҳақиқат, тўқимачилар маданият саройи санъат шайдоларининг севимли масканига айланиб қолган.

Бахтиёр САЙДАЛИЕВ,
Рашид АСЛОНОВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли ихтисослаштирилган «Ўзэлектромонтаж» трестининг коллективи қурилиш-монтаж ишлари йиллик программасини муддатидан илгари — 14 декабрда бажарди. Монтажчилар декабрнинг қолган кунларида планга қўшимча равишда яна бир ярим миллион сўмлик ишни адо этишга ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Республикамиз пойтахтидаги 2-пайафзал фабрикасининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қаторн унинг сифатини яхшилашда дурустютуқларга эришмоқда. Шунинг учун ҳам коллектив тайёрлаётган ва давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлган оёқкийимлари тури тобора кўпайиб бормоқда.

Фабрика ишчи-хизматчилари йил бошидан буён 2 миллион 66 минг сўмлик оёқ-кийимларини фахрли беш қирра белгиси билан чиқаришди. Бу тайёрланган барча маҳсулотнинг 18 процентини ташкил этади.

Республикамиздаги бошқа пойафзал фабрикаларида ҳам маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Буни шундан ҳам билса бўладики, бундай корхоналар коллективлари йил бошидан буён ҳаммаси бўлиб 22 миллион сўмликдан зиёд пойафзални давлат Сифат белгиси билан чиқардилар. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир.

Ш. ШОАЗИЗОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ТОШКЕНТ область қишлоқ қурилиш трестига қарашли 10-механизациялашган кўчма колонна коллективи ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бунёдкорлари билан яқин ҳамкорликда ишлаб, катта меҳнат галабасини қўлга киритди. Меҳнатни пухта ташкил этиш, социалистик мусобақани авж олдириш, илғор иш усулларини қўлланиш туфайли капитал маблағ ўзлаштириш йиллик плани муддатидан анча илгари адо этилди. Колонна бинокорлари 1 декабрдан бошлаб келгуси йил ҳисобига ишламоқдалар.

Зарбдор йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 2 миллион 54 минг сўмлик пудрат ишлари амалга оширилди. Бу топшириқда назарда тутилганидан салкам 150 минг сўмлик кўпдир. Коллектив фаолиятининг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам дурустбўлмоқда. Меҳнат унумдорлигини оширишда яхши натижаларга эришилпти. Йиллик норма бўйича ҳар бир ишловчи ҳисобига 6304 сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши керак бўлса, аслида у эса бундан нисбатан 456 минг сўмлик ортиқ бўлди. Самарали меҳнат муносиб тақдирланмоқда. Ишчи-хизматчилар олаётган маош миқдори ҳам белгиланганидан ортиқ бўлди. У шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 30 сўмни ташкил этди.

Колонна бинокорлари пудратчи ёрдамчи ташкилотлар билан биргаликда бу йил 550 ўринга 1563 квадрат метр турар жойлар, 12 минг бош парранда боқиладиган фермалар, Зафар посёлкасида ҳашаматли Маданият саройини қўлдан чиқардилар. Шу кунларда бунёдкорлар райондаги «Партия XXV съезди» совхозида 600 бош қора мол парвариш қилишга мўлжалланган сутчилик комплекси қурилишини тугалламоқдалар.

Пешқадам қишлоқ қурувчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охирига қадар яна 180 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш юзасидан зиммаларига олган янги мажбуриятларини шараф билан бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

М. РЎЗИМАТОВ.



МАВЛУДА Нишонова Тошкентдаги тажриба-пиллакашлик фабрикаси илғор ипак ўровчиларидан ҳисобланади. У смена ва ойлик топшириқларини 120—130 процент қилиб адо этмоқда. Суратда: М. Нишонова иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

УНУМДОРЛИК ЭВАЗИГА

Ёр-мой комбинати республикамиз пойтахтининг пешқадам корхоналаридан бири ҳисобланади. Айниқса, ўнинчи беш йиллик йилларида комбинат коллективи эришаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ривожлантириш, иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, технологияни такомиллаштириш, янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш ва мавжудларидан унумли фойдаланиш ютуқлар омили бўлмоқда. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, илғор иш усулларини қўллаш, қолоқларсиз ишлашга эришиш юзасидан кўрилган чоралар натижаси яхши бўлмоқда.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг сифати ой сайин ортиб бормоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч йиллик ишлаб чиқариш плани муддатидан анча илгари адо этилди. Зарбдор йил топшириғини ҳам барвақт уддаланди. Меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун ўнларча миллион сўмлик турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда жуда кўп чоралар кўрилмоқда. Асбоб-ускуналар қувватларидан унумли фойдаланиб, маҳсулот сифатининг яхши бўлишига эришган ишчи-хизматчилар ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Шу туфайли ҳам меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан 6,4 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига эришилди.

Коллектив давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ҳам кўпчиликка намуна бўлмоқда. Биргина зарбдор йилнинг ўзида уч хил маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тақдирланди. Шундай қилиб фахрли беш қирра билан чиқаётган маҳсулот турлари 6 тага етди. Бу ишлаб чиқариш ҳажмининг анчагина қисмини ташкил этади.

Комбинат ишчи-хизматчилари тежамкорлик борасида ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Цехларда тежамкорлик учун кураш пухта ташкил этилган. Шу туфайли ҳам йил бошидан бери анча миқдордаги материал ва хомашёлар тежаб қолинди. Зарбдор йилнинг ўтган ойлари давомида иқтисод қилинган электр энергияси салкам 1 миллион киловатт-соатни ташкил этди. Бундан ташқари 1450 тонна шартли ёқилғи, 42 тонна пахта мойи, 62 тонна бензин тежаб қолинди. Бу билан ўнларча минг сўмлик фойда кўрилди.

Ишчи-хизматчиларнинг зарбдор йилдаги унумли ва сифатли меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Комбинат уч кварталдан бери сурункасига ССРИ Озиқ-овқат саноати министрлиги ҳамда озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олмоқда. Ишчилар бу байроқни тўртинчи кварталда ҳам қўлдан бермаслик учун зўр тайёргарлик-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ш. ШОАЛИМОВ,
И. ИСМОИЛОВ.



ЭЛ—ЮРТ БОЙЛИГИНИ КЎЗЛАБ

КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган колхозчиларимиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш учун курашмоқдалар. Улар айниқса беш йилликнинг зарбдор йилида қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Мавжуд 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 220 центнердан сабзавот ҳосили йиғиштириб олинди ва бу борадаги социалистик мажбурият 110 процентга бажарилди.

Колхозимиз юксалмоқда. 1975 йили 393 гектар майдонда 4847 тонна сабзавот етиштирилди. Ҳосилдорлик 123 центнерни ташкил этди. Зарбдор йилда эса эл дастурхонига 6600 тонна турли ўғит сабзавот маҳсулотлари тортиқ этдик. Шу йиллар ичида карам ҳосилдорлиги 2,5 баравар, бодринг, пиёз ҳосилдорлиги 2,5 баравар, сабзи ҳосилдорлиги 6 баравар, картошка ҳосилдорлиги 2 бараварга кўпайди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам муайян ютуқларни қўлга киритмоқдамиз. Қорамоллар сони уч йилда 200 бошга кўпайди, шу жумладан сигирлар сони 350 бошга етди. Сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори, гўштга топширилаётган қорамолнинг тирик вазни анча ортди. 1975 йилда ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 66 центнердан гўшт, 990 центнердан сут етиштирган бўлсак, зарбдор йилда гўшт етиштириш 134 центнерни, сут етиштириш 1340 центнерни ташкил этди.

Бундай ютуқлар аввало фан ютуқларини, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, органик ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш, сабзавотчилик ва чорвачиликка механизацияни кенг жорий этиш, қолаверса ўрта бўғин кадрларни мустаҳкамлаш туфайли қўлга киритилмоқда. Колхозимизда сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи дехқончиликда бой тажриба орттирган маълумотли киши. Мирпўлат Буваев, Зиёхон Тўрақулов, Рихсивой Исаев, Жалил Олимжонов, Бўри Одилов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада аъзолари йил сайин қувончли натижаларни қўлга киритмоқда.

Шу кунгача далалардаги бор ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, мавжуд майдонларни сифатли шудгорлаб қўйдик. Экин майдонларига шудгорлашдан аввал маҳаллий ўғит чиқарилди. Айни кунларда қишлоқ хўжалик техникасини созлаш билан бир қаторда дала бошига органик ўғит жамғариш ишлари ҳам қизитиб юборилган. Сугориш шаҳобчаларининг барчаси тартибга солинаяпти. Чорвадорларимиз чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, соғиш сигирларни қишловдан беталофат олиб чиқиш учун мавжуд имкониятларни ишга солишмоқда.

Бир сўз билан айтганда шу кунларда колхозчиларимизнинг бутун диққат эътибори эришилган ютуқларни ошда мустаҳкамлаш, эл-юрт маъмурчилиги йўлида сабзавот экинлари, картошкадан мўл ҳосил етиштириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган.

Н. МАҲКАМОВ,
Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг раиси.

ОҚҚЎРҒОН районидаги Куйбишев номли колхозда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми материаллари кенг тарғиб қилинмоқда. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Б. Турсунов бир группа агитаторлар билан шу масала юзасидан суҳбат ўтказаётган пайт.

П. Эргашев фотоси.

ЧОРВАДОРЛАР ҒАЙРАТИ

Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз чорвадорлари чорва қишловини намунали ўтказиш учун барча шароитларни яратиб қўйишган. Мўлжалдагидан 100 тонна ортиқ сенаж тайёрлаб қўйилди. 3600 ўрнига 5200 тонна силос бостирилди. 1340 ўринга салкам 2000 тонна беда жамғарилди.

Айни кунларда ферма коллективи чорва маҳсулоти топшириши қизғин давом эттирмоқда. 745 тонна ўрнига 801 тонна сут. 76 тонна гўшт топширилди ва бу соҳадаги план ортиғи билан адо этилди.

Молдар қаровининг яхшиланиши туфайли ҳар бир соғин сигирдан кунига 10—12 килограммдан сут соғиб олиняпти. Сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақа борган сари қизғин тус оляпти. Хури опа Қосимова ўзига биркитилган 20 бош сигирнинг ҳар биридан 4300 килограммдан сут соғиб олишга эришди. У йил охиригача яна қўшимча 200 литрдан сут топшириш учун курашяпти. Кумуш Қаршибоева, Нишон Рўзиева каби пешқадам сут соғувчилар ҳам дугоналаридан қолишмаяптилар.

Ҳ. ПАРДАЕВ.

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

У Самарқандининг осмонўпар гумбазли мадрасаларига ҳайрат билан боқар, уни қурган меъморлар ҳақида ўйга чўмарди. Сирли кошиналари аста силаб, сирларини билиш ниятида чуқур хаёлга толган пайтлари ҳам кўп бўлган. Бегмамат болалигидан ана шундай хаёллар беланчагида вояга етди. У улкан миноараларни қурган аждодларимиз санъатини эгаллаш, улар ишини давом эттириб, асрлар шамолига бардош бериб, кўп даврлардан бери ўзбек меъморларининг заковати хусусида қўшиқ куйлаётган меъморлик обидалари каби иншоотлар қуришни хоҳларди.

Шу хаёл, шу ният уни Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти архитектура факультети томон етаклади. Талабалик йиллари ҳақиқий ўқиш, ўрганиш, изланиш йиллари бўлди. Бегмамат СССР халқ архитектори А. Бобохонов, Г. Караш, Т. Ҳидоятов каби устозлар саъбогини жон қулоғи билан тингларди. Беш йиллик таълимнинг сўнгида Бухоро яқинидаги Баҳовуддин архитектура комплексини таъмирлаш ва уни туристик маршрутга айлантириш ҳақидаги диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. У 1975 йилда Минск шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ архитектура ўқув юртлари ва бўлимлари битирувчиларининг энг яхши диплом ишлари кўригида учинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Институтни тамомлаганидан кейин Тошкент шаҳри Бош плани илмий тадқиқот лойиҳа институтига йўлланма олди. У Ботир Усмонов раҳбарлигидаги устахонада ишлай бошлади. Ботир ака ва Қувондиқ Турдиев каби ўз касбини яхши билган меъморлар ёш йигитга нисбатан талабчан, қаттиқ қўл бўлишди. Бу Бегмамат меъморчиликни мукаммал эгаллаб олишида катта аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг раҳбарлигида ва бевосита бошчилигида қатор турар жойлар, маданий-маиший бинолар лойиҳасини яратишда қатнашди. Ленин ва Ўзбекистон кўчалари муюлишида қад кўтарган 43 квартирали турар жой биноси, Ҳуршид кўчасидаги тўққиз қаватли уйлар, марказий диспетчерлик станциясининг биноси каби иншоотларнинг лойиҳалари яратилишида Бегмамат Эрмаматовнинг ҳам ҳиссаси бор.

— Яқинда Б-1 микрорайонида қурилаётган «Минг хил майда-чуйда» магазини, Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийси бош планига кирадиган чойхона биноси лойиҳаларини тугалладик; — дейди Б. Эрмаматов. — Бунда ҳозир мен меҳнат қилаётган Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги махсус илмий таъмир лойиҳа институтининг Ҳамдам Аб. дурайимов, Азамат Тўхтаев каби сергайрат ёшларининг хизматлари катта бўлди.

— Мен Бегмаматни кўпдан бери биламан,— дейди лойиҳалар бош архитектори Ҳамза номли Ўзбекистон давлат мукофотининг лауреати Б. Усмонов.— У доим изланади, ўқиб-ўрганишдан чарчамайди. Уни ғоҳ Совет Иттифоқининг таниқли меъморлари, ғоҳ Япония, Италия, Германия Демократик Республикасининг машҳур архитекторлари, ўзбек миллий архитектураси ҳақидаги рисолаларни ўқиб юрганини кўриш мумкин. Бу унинг ёшларга ўрнак бўладиган ҳислатларидан биридир. Келажакда ундан яхши архитектор чиқиши шубҳасиз.

Ҳ. НИЁЗОВ.

БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК

БИЗ ҚАНЧАМИЗ ВА КИМЛАРМИЗ?

МАМЛАКАТИМ И З Д А 1979 йил 17 январдан 24 январгача аҳолини навбатдаги рўйхатга олиш кампанияси ўтказилади. Мана шу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган иш, Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш программаси ҳақида «ПРАВДА» ПРЕСС-БЮРОСИнинг илтимосига кўра СССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи Л. М.ВОЛОДАРСКИЙ қуйидагиларни ҳикоя қилди.

БУТУНИТТИФОҚ аҳолини рўйхатга олиш — бу, анча йирик ва маъзулиятли статистика ишларидан бири ҳисобланади. Шу жараёнда олинган материаллар, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг статистлар Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларига юборган табрикномасида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатни иқтисодий ва социал тараққиёти келгуси планларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлиги остида халқимиз қўлга киритган улуғвор муваффақиятларни ёркин акс эттиришга хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда турли сайланма тадқиқотлар кўплаб ўтказиб турилади. Бу тадқиқотлар жамият ҳаёти айрим масалаларини чуқур ўрганишга йўналтирилади. Бироқ, бу тадқиқотлар бутун мамлакат аҳолисини рўйхатга олишга мўлжалланмаган, унинг ўрнини босолмайди.

Рўйхатга олиш аҳоли ҳақидаги ахборот манбалари орасида мустақил ва асосий ўринни эгаллайди. Кўп йиллар мобайнида совет статистикаси рўйхатга олишни ўтказишнинг илмий принципларини ишлаб чиқди. Бу принциплар асосан қуйидагилардан иборат:

— аҳоли рўйхати вақти-вақти билан, одатда 10 йилда бир марта ўтказилади. Бу ҳеч қандай маъмурий чоралар билан боғлиқ бўлмайди, гражданларнинг маблағлари ва шахсий манфаатларига ҳалал етказмайди. Тўпланадиган барча маълумотлардан фақат якуний рақамларни чиқариш учунгина фойдаланилади. Рўйхатга олиш билан машғул ходимлар рўйхатга олиш варақасида қайд қилинган маълумотларни ким бўлишидан қатъий назар бирор шахсга маълум қилиши манъ қилинади;

— рўйхатга олиш варақасидаги саволларга берилган ҳамма жавоблар махсус тайёрланган ходимлар —ҳисобчилар томонидан жавоб берайтган шахсларнинг сўзларидан, ҳеч қандай ҳужжат талаб қилмасдан ёзиб олинади;

— рўйхатга олиш қисқа муддатларда ўтказилади. Аҳоли ҳисоби доимо қатъий белгиланган бир вақтга нисбатан олинади (1979 йилда ана шундай вақт 16 январдан 17 январга ўтар кечаси 0 соатдир).

Мамлакатимизда аҳоли рўйхатини мунтазам ўтказиш Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланган эди. Яқинда бўладиган рўйхатга олиш олтинчи марта ўтказилмоқда. Аввал беш марта — 1920, 1926, 1939, 1959 ва 1970 йилларда рўйхатга олинган. Чор Россиясида фақат бир марта умумий рўйхатга олиш 1897 йилда ўтказилган.

Иттифоқимизда биринчи марта рўйхатга олиш В. И. Ленин ташаббуси билан амалга оширилган. Унинг натижалари, маълумки вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш ишига хизмат қилди, ГОЭЛРО планини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилди, аҳоли сонининг перспектив ҳисоб-китоблари ва иш кучларини баланслаш учун асос бўлди.

Ундан кейин ўтказилган барча рўйхатга олишларнинг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш қийин. Уларда Улуғ Октябрь бошлаб берган жамиятнинг тубдан қайта қурилиши, Совет давлатининг ривожланган социализм қурилишида эришган муваффақиятлари ўз аксини топди. Рўйхат маълумотларидан беш йиллик халқ хўжалик планларини тузишда, халқ ҳаётини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилди.

1970 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Аввал ўтказилган рўйхатга олишларнинг берган маълумотлари билан ҳозирги статистика маълумотларини чоғиштириб аҳоли сонининг ўзгариши ва жойлашишига доир таҳлил қилиш учун кўплаб материал олинди. Бу материаллар КПССнинг иқтисодий ва социал сиёсати амалга оширилаётгандиги натижасида аҳоли составида юз берган катта сифат ўзгаришларини кўрсатди.

СССР аҳолиси ўтган 60 йил мобайнида оғир оқибатлар олиб келган урушларга қарамасдан 98 миллион кишига кўпайди ва 1978 йил ўрталарига келиб 261,2 миллион кишини ташкил этди.

Аҳоли состави тубдан ўзгарди. Революциягача бўлган Россияда 1897 йил ҳисоб-китобларига кўра шаҳарликлар фақат 15 процентни ташкил қилган. СССРда, саноат ишлаб чиқариши юксак даражада ривожланган ва қишлоқ хўжалиги механизациялашган мамлакатда аҳолининг 63 проценти шаҳарларда истиқомат қилади. Совет ҳокимияти йилларида 1165 та шаҳар пайдо бўлди. Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 19 тадан шаҳар бунёд этилмоқда.

Совет жамиятининг етакчи кучи бўлган ишчилар синфи мамлакатдаги иш билан банд бўлган аҳолининг учдан икки қисмини ташкил қилади ва қарийб 75 миллион кишидан иборат. Совет ишчилари маълумотли, сиёсий етук кишилар бўлиб уларнинг меҳнати ўз характерига кўра инженер-техник ходимларнинг меҳнатига яқинлашмоқда. КПСС XXIV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев ишчилар синфининг маданий жиҳатдан ўсиши ҳақида хусусан кейинги ўтказилган икки мартта аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ишонарли айтиб турганлигини қайд қилди. 1959 йилда ҳар минг ишчидан 386 киши олий ва ўрта маълумотли эди, эндиликда уларнинг сони 550 дан ортиб кетди. 1977 йилда ишчиларнинг бошланғич маълумотдан юқори даражага эга бўлганлари 73 процентни ташкил қилди.

Рўйхат маълумотлари мамлакатда шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси, аҳоли айрим группаларининг маълумот даражаси ўртасидаги тафовут узлуксиз қисқариб бораётганини кўрсатиб турибди. 1897 йилги рўйхатга олиш пайтида аҳолининг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз эди. Ҳозир ишлаётганларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотга эгадир. Тўққизинчи беш йиллик даврида умумий ўрта маълумотга ўтиш асосан тугалланди.

СССРда ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар билан халқ зиёлиларининг кўплаб кадрлари тарбияланди. 1926 йилда асосан ақлий меҳнат билан машғул бўлган 3 миллионга яқин киши ҳисобга олинган эди, 1977 йил бошига келиб улар сони 37,5 миллионга етди.

Хотин-қизлар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Ишчи ва хизматчиларнинг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил қилади. Соғлиқни сақлаш, социал таъминот, маориф, савдо, умумий овқатланиш каби соҳаларда хотин-қизлар сони 80 ва ундан кўпроқ процентни ташкил қилмоқда. Ишлаб турган аёлларнинг маълумот даражаси эркакларнинг маълумот даражаси билан тенглашди.

Совет мамлакатининг барча халқлари маданий тараққиётида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. ССР Иттифоқида юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари меҳнат қилади. Улар янги тарихий ва интернационал бирлик —совет халқини ташкил этади.

Навбатдаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати 1970 йилги рўйхатидан сўнг 9 йил ўтгач олинмоқда. Унинг якунларида аҳоли сони ва составида КПСС XXIV ва XXV съездлари тарихий қарорлари ҳаётга татбиқ этилган ва этилаётган йиллар мобайнида рўй берган ўзгаришлар ўз аксини топади. Рўйхат маълумотларидан халқ хўжалиги тараққиёти даражасида эришилган муваффақиятларга баҳо бериш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажмини жорий ва перспектив планлаштиришда, миллий даромад, меҳнат ресурслари ҳисоб-китоби, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги келгуси ишларни планлаштиришда фойдаланилади.

1979 йилги рўйхатга олиш программасига 16 та савол киритилган. Улардан 11 тасига бутун аҳолидан жавоблар олинади (ялпи рўйхатга олиш) ва беш саволга рўйхат материалларини ишлаб чиқишни тезлаштириш ва рўйхатга олиш воситаларини ишончли қилиш мақсадида доимий аҳолининг 25 процентидан жавоб олинади (танлаб рўйхат). Ялпи рўйхатга олиш варақасига оила бошлиғига муносабат масалалари (оила сони ва состави маълумотлари учун) қамраб олинади. Аҳоли категориялари тўғрисида (мавжуд ва доимий) жавоб берувчиларнинг жинси ва ёши, никоҳда бор-йўқлиги, маълумот даражаси, ўқиши, миллати, она тили ва эркин сўзлаша оладиган иккинчи тили, яшаш учун восита манбаи ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган. Танлаб ўтказиладиган рўйхат варақасига булардан ташқари иш жойи, машғулоти, ижтимоий группаси, шу аҳоли пунктида доимий яшаб туриш муддати ҳақида, агар аёл бўлса туққан болалари сони ҳақидаги саволлар киритилган.

Сўнгги савол биз ўтказаётган рўйхатга олиш программасида янги саволдир. Мана шу саволга берилган жавоблар бўйича тўпланган маълумотлар аҳоли ўсишига таъсир кўрсатувчи туғилиш динамикаси ва факторларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Шу таҳлил КПСС XXV съезди кўрсатмалари асосида самарали демографик сиёсат масалаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Рўйхат материаллари ривожланган социалистик жамият, бизнинг халқимиз Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг асрларга тенг йўлни босиб ўтиб эришган шу кунги ҳаётини бутун кўринишни ва барча ранг-баранглиги билан акс эттиради. Рўйхат натижаларидаги миллий состав, она тили ва иккинчи тил ҳақидаги маълумотларга таяниб ва бошқа саволларга олинган жавоблар билан таққослаб биз ССР миллатлари ва элатларининг янада бир-бирига яқинлашув жараёнини тўла характерлаш имконига эга бўламиз. Аёллар ҳақидаги маълумотлар рўйхатнинг барча якунлари бўйича совет хотин-қизларининг хўжалик, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли, улар давлатни бошқаришда актив иштирок этаётганлиги ҳақида кенг ахборот беради.

Айниқса меҳнат ресурслари ҳақидаги маълумотлар алоҳида қимматга эга бўлади.

КПСС XXV съезди қарорларида ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумида сўзлаган нутқида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини янада ўстириш асосида янада дадил ошириш зарурлиги уқтирилган. Бу маълумотлар меҳнат ресурсларининг ўзгариш тенденциясини ўрганиш, келгусида улардан янада рационал фойдаланиш йўлларини белгилашда зарур бўлади.

Рўйхатга олишни махсус тайёрланган ходимлар —ҳисобчилар ўтказишади. Улар гражданлар билан учрашиб, рўйхатга олиш программасидаги саволларга жавобларни ёзиб оладилар.

Рўйхатга олиш 17 январдан 24 январгача ўтади. Ҳисобчи гражданлар билан қайси куни учрашишидан қатъий назар рўйхат варақаларини 16 январдан 17 январга ўтар кечаси маҳаллий вақт билан 00 соатга доир маълумотлар бўйича тўлдиради. 27 январдан 31 январгача инструктор-контролёрлар контроль ҳисоб ўтказишиб, рўйхатга олиш пайтида ташлаб кетилган ёки иккинчи марта ҳисобга олиш ҳоллари рўй берганми-йўқми, текширишади.

1979 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш кампаниясининг хусусиятларидан бири шундаки, бунда рўйхатга олиш варақасининг бутунлай янги формаси қўлланилади. Гражданларнинг саволларнинг кўпчилигига берган жавоблари ҳисобчилар томонидан график белгилар билан ҳисобга олинади, бу—олинган маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарига қўйиб ишлаб чиқишни таъминлайди. Тўпланган маълумотларни ишлаб чиқиш учун мамлакатда ҳисоблаш марказининг 29 та шохобчаси тузилди. Уларга СССР Марказий статистика бошқармасининг марказий ҳисоблаш маркази раҳбарлик қилади.

Албатта, рўйхатга олишни муваффақиятли ўтказиш турли муассаса ва ташкилотларнинг унда актив иштирок этиши, ишда аниқлик ва саранжомлик бўлишини талаб қилади. В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, ҳисобга олиш иши бу идоравий иш бўлмай бутун республика иши, барча совет муассасаларининг иши сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозир партия ва совет органлари статистика ходимларига катта ёрдам бермоқдалар. ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети рўйхатга олишда касаба союзлари ва комсомол ташкилотларининг иштироки тўғрисида махсус қарорлар қабул қилишди. Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси президиуми билан СССР Марказий статистика бошқармаси коллегияси биргаликда ишлаб чиққан тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. СССР Алоқа министрлиги рўйхатга олиш тематикасига доир уч хил почта конверти, «Планета» нашриёти эса 10 миллион ўртоқ календари чиқарди. Тушунтириш ишларига агитколлективлар ва лекторлик группалари жалб қилинмоқда.

СССР Марказий статистика бошқармаси мамлакатимиз гражданларининг рўйхатга олишга қизиқишларини кондириш мақсадида «Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш — умумхалқ иши» брошюрасини тайёрлади. Брошюра қарийб миллион нусҳада оммавий нашр этилди.

Рўйхат бошланишигача қолган вақт ичида ташкилий ва оммавий тушунтириш ишларини ҳамма жойда — корхоналарда, колхоз ва совхозларда, муассасалар, илмий ва ўқув юртларида, гражданларнинг турар жойларида кучайтириш жуда муҳимдир. Ҳар бир совет кишиси Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишда билиши ва унга тайёр туриши лозим. Рўйхатга олишдек муҳим давлат ишининг муваффақияти гарови ана шундадир.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР ЯНГИЛИКЛАР

ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК ШАРТНОМАСИ

ХАНОЙ, 14 декабрь. (ТАСС). Бугун Вьетнамнинг ҳамма марказий газеталари СССР Олий Совети Президиуми СССР билан ВСР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилганлиги ҳақидаги муфассал хабарларни биринчи саҳифаларда эълон қилмоқда.

Энди шартнома кучга кирди, деб ёзади «Нян зян» газетаси бош мақоласида. Кейинги ой мобайнида бутун мамлакатимиз халқи шу тарихий ҳужжат имзоланиши муносабати билан жуда катта ташаббускорлик кўрсатмоқда. Эллик миллион нафар ватандошларимиз бизнинг мамлакат билан Совет Иттифоқи ўртасида бирдамлик ва дўстлик, ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда қўйилган янги қадамни яқдиллик билан табрикладилар, социалистик системанинг, дунёда тинчлик, революция ва тараққиёт кучларининг қудрати тағин ҳам мустаҳкамланишини табриклайдилар. Қардош мамлакатлар ва партиялар, тараққийпарвар инсоният шу катта шодиёнамизга қўшилади.

Шартнома, деб ёзади газета, икки қардош социалистик мамлакат ўртасида муваффақиятли ривожланиб бораётган кўп томонлама муносабатларни акс эттиради ва шу муносабатларни ривожлантиришда олға қўйилган қадам эканлигини билдиради. Бу муҳим ҳужжат янги социалистик ҳаёт қуриш ва ватанимизни ҳимоя қилиш ишига хизмат қилади. Вьетнам қудратининг мустаҳкамланиши, ўсиши ва кучайиши жаҳон социалистик системаси кучларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради ва Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлади.

Мана шунинг учун ҳам «реакцион кучлар, айниқса Пекин раҳбарлари Вьетнам-Совет шартномасининг аҳамияти ва мазмунини бузиб кўрсатмоқдалар, биз билан Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек блокларга қўшилмаган давлатлар ўртасида бузғунчилик чиқаришга уринмоқдалар».

Аммо, деб таъкидлайди «Нян зян», Шартномани тинчлик, дўстлик ва халқаро ҳамкорлик ишига актив хизмат қилувчи омил сифатидаги самарадорлигини ҳаёт кун сайин тобора кўпроқ намойиш қилмоқда ва бу Вьетнам халқи билан Совет халқининг манфаатларига, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишига мувофиқ келади.

Кўпдан бери бизнинг халқимиз ва Совет Иттифоқи халқлари социализм ва коммунизмнинг юксак идеаллари учун революцион курашда бир-бирлари билан чамбарчас боғлангандирлар. Икки мамлакатимиз партиялари, давлатлари ва халқлари ўртасидаги муносабатлар муттасил мустаҳкамланмоқда. Бу муносабатлар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида қурилмоқда, деб ёзади газета.

Халқимиз Ленин партияси ва мамлакатининг инсониятга қилган буюк хизматларига юксак баҳо бермоқда, халқимизнинг мустақиллик, озодлик ва социализм учун курашидаги революцион ишига қудратли мададкорлиги, катта ва бебаҳо ёрдамлари учун Совет Иттифоқига самимий миннатдорчилик ҳис-туйғуларини изҳор этмоқда, деб таъкидлайди «Нян-зян» газетаси. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Вьетнам-Совет шартномаси халқимизнинг орзу-умидларига мос келиб икки мамлакат ўртасида бирдамлик ва дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, ҳар томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради.



ЖУРНАЛИСТЛАР ИШ ТАШЛАДИ

РИМ, 15 декабрь. (ТАСС). Бугун Италия ахборот агентликлари билан газеталарининг журналистлари ва техник ходимлари 24 соатлик миллий иш ташлаш ўтказмоқдалар. Улар мамлакатдаги нашриётчилик ишини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун ҳеч кечиктирмай амалга оширилиши учун курашмоқдалар, матбуот органларининг монополиялар қўлида марказлашувига қарши норозилик билдирмоқдалар, иш билан таъминлаш кафолоти берилишини ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатда бўлиб ўтган пўлат қуювчиларнинг иш ташлашида 37 минг ишчи қатнашди. Суратда: ишчилар Дуйсбургдаги иш ташлаш комитетида рўйхатдан ўтишмоқда.

ЮПИ — ТАСС телефотоси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ВАРШАВА. Польша бирлашган ишчи партияси ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Польша Коммунистик партиясининг 60 йиллиги муносабати билан мамлакатда кўплаб митинглар, йиғилишлар, ёш авлод вакилларининг Польша ишчилар ҳаракати ветеранлари билан учрашувлари ўтмоқда.

Кеча Домбров кўмир ҳавзасининг ёш шахтёрлари ветеранлар билан учрашдилар. Ёш кончилардан 100 кишига тантанали вазиятда партия билетлари топширилди. Улар партия билетларини қабул қилар экан лар, ватанга, партияга содиқ бўлишга, халқ ҳокимиятининг 35 йиллигини зарбдор меҳнат билан кутиб олишга қасамёд қилдилар.

БУЭНОС-АЙРЕС. Уругвайда нарх-наво тобора ошмоқда. Шу ойда сув ва транспортдан фойдаланиш нархи икки марта, аввалига 8, кейин 12 процент қимматлашди.

Ҳукумат ейини бир вақтда Уругвай песосини бу йилнинг ўзида 28 марта девальвация бўлганини эълон қилди.

Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида Уругвайда нарх-наво жами 39 процент ошди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг ғарбий Бенгалия штатидаги юз мингдан кўп матбаачи забастовка эълон қилди. Меҳнаткаш лар меҳнат шароитининг яхшиланишини, тармоқнинг маълум категориядаги ишчиларининг иш ҳақини оширишни, шунингдек, қарилик нафақаси билан таъминлашни ва корхоналарда медицина хизматини яхшиланишини талаб қилмоқдалар. **(ТАСС, 15 декабрь).**

ЮРТДОШИМИЗ — СУЛТОН РАҲМОНОВ

Қорақалпоғистон пойтахтининг аҳолиси ўз юртдоши таниқли штангачи Султон Раҳмоновни самимий кутиб олди. Мамлакатнинг неча марталаб чемпиони бўлган, хизмат кўрсатган спорт мастери, жаҳон чемпионатининг рекордчиси ва кумуш совриндори ўзининг спортдаги ютуқлари, мамлакат терма командаси оғир атлетикачилари Бутуниттифоқ ва халқаро турнирларига қандай ҳозирлик кўраётгани тўғрисида гапириб берди.

Таниқли спортчи Тўрткўл районидаги ўзи туғилиб ўсган қишлоққа йўл олди. Унинг болалиги шу ерда ўтган, паҳлавоннинг спорт машғулотлари ҳам шу ерда бошланган. Собир ота билан Татьяна Васильевна Раҳмоновлар оиласидаги ҳамма болалар бақувват бўлиб ўсишди. Ҳали мурғаклик чоғидаёқ Султон куч синаши, эпчиллик, чидамлилик мусобақаларини жуда яхши кўрар эди. Шу сабабли у спортдаги биринчи қадамларини кураш ва бокс тушишдан бошлади. Аввал бошида булар «жажжи турнирлар», қўшни кўча, қўшни қишлоқдаги тенгдошлар билан мусобақалашиш тарзида бўлди. Кейинчалик бир оз масъулиятли мусобақаларда ҳам қатнаша бошлади. Ҳамиша ҳам тенгдошлари Султонни енга олмай доғда қолишарди.


Султон учувчи бўлиб етишган акаси билан бирга Днепропетровскка кўчиб борганида истеъдодли спортчи талантининг яна бир қирраси намоён бўлди. «Темир ўйини» бу йигитга жуда ёқиб қолди. Еш штангачи «Авангард» спорт жамиятида ўз маҳоратини қиёмига етказди, бу ерда у илгари машҳур атлетикачи бўлган Э. Бровко ва бошқа тажрибали спортчилардан кўп нарса ўрганди. Бу йилги спорт мавсумида Султоннинг айниқса омади келди: АҚШ ва СССР штангачиларининг Лас Вегасдаги халқаро тўр нирида у Олимпиада чемпиони Василий Алексеев билан бирга майдонга чиқди. У ерда Раҳмонов иккинчи ўринни олди.

Октябрь ойида иккала полвон Геттисбергдаги жаҳон чемпионатида яна куч синашишди. Алексеев лат егани сабабли қатнаша олмади, шу боисдан Султон Раҳмонов совет терма командасида биринчи номер билан чиқди. Бу ерда у дунёдаги энг кучли полвоннинг «дублёри» эканлигини намойиш қилди, икки курашда 417,5 килограмм вазндаги штангани кўтариб, мусобақани аъло натижа билан тугаллади. Ғарбий Германия атлетикачиси Юрген Хойзер ҳам шундай натижага эришди, аммо унинг вазни Султондан сал енгилроқ бўлиб чиқди.

...Масъулиятли мусобақалар ортда қолди, аммо штанга билан машқ қилиш давом этмоқда. Янги стартларга тайёргарлик программаси ҳаддан ташқари мураккаб: алоҳида планларга мувофиқ машғулотлар ўтказилиши, кўндан-кўн мусобақаларда иштирок этиш зарур. Шундай бўлса ҳам Султон Раҳмоновнинг командадош ўртоқлари, устозлари унинг ўз юртига бориб, дўстлари билан дийдор кўришиб келиш, спортдаги ёш ўринбосарларига бир назар ташлаш истагини қўллаб-қувватлашди. Султон В. Алексеев, Д. Ригерт, А. Еналдиев ва бошқа кўпгина машҳур штангачилар билан бирга мусобақаларда қатнашиб орттирган тажрибасини спортчи ўртоқларига қувонч билан гапириб берди.

Нукус, Тўрткўл, Самарқанд, Тошкентда бўлган учрашувларда Султон совет штангачилари дружинаси тўғрисида завқ-шавқ билан гапирди. Юртдошлари эса ёш полвонга Москвадаги Олимпиада ўйинларида СССР терма командаси шарафини муносиб равишда ҳимоя қилишни тиладилар. Улар Султон Раҳмоновга топширган табрикномаларида тўрткўллик полвон шу ҳуқуқни олишга муяссар бўлишига ишонч изҳор этдилар!

(ЎзТАГ).



ТЕХНОЛОГЛАР МАСКАНИ

Партия ва ҳукуматимиз олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ишини яхшилаш, такомиллаштириш билан бирга ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятини активлаштириш, кадрлар тайёрлаш ишини тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларнинг келгусида малакали мутахассис бўлиб етишишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш диққат марказида турган масалалардандир. Бу борада сўз юритилар экан, ўн иккинчи йилдан бери фаолият кўрсетиб келаётган Янгийўл озиқ-овқат техникумида салмоқли иш олиб борилаётганлигини эътироф этиш лозим.

— Техникумимизда жами 3 та бўлим бор. Ўқувчиларимиз мазкур бўлимларда еттита мутахассислик бўйича таҳсил кўришади. Саккиз йиллик маълумотга эга бўлган ёшлар 3 йилу олти ой, ўнинчини битирган йигит-қизлар эса қисқартирилган группаларда икки йилу олти ой ўқишади. Улар шу муддатлар ичида нон пиширш, виночилик, ачитқи, ўсимлик ёғи ва ёғсимон маҳсулотлар, кондитер, гўшт ва парранда маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат тайёрлаш технологиялари билан муфассал танишадилар. Барча фанлар бўйича дарслар кабинет системасида олиб борилади. Замонавий аппаратлар билан жиҳозланган лабораторияларда ўқувчилар ўзлари ўрганаётган соҳаларни бўйича практик машғулотлар ўтказиб, назарий билимларини амалиёт билан боғлаб, мустаҳкамлайдилар. Ҳозир фақат кундузги бўлимларимизда 1042, сиртқи бўлимларимизда эса қарийб 600 нафар йигит-қиз касб-ҳунар эгаллаяпти, — дейди техникум директори Лазокат Қаюмова.

Мазкур махсус ўқув масканида таълим олаётган ўқувчиларнинг деярли 80 фоизи республикамизнинг турли областлари ва иттифоқдош республикаларидан келган ёшлардир. Улар орасида Қозоғистон ССРнинг Чимкент, Молдавия ССР ва бошқа республикалардан таширф буюрган ўқувчиларни ҳам, сўлим Фарғона водийси, Қашқадарё Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро фарзандларини ҳам учратиш мумкин.

— Ҳозиргача халқ хўжалигига 1000 дан зиёд турли мутахассислар етказиб бердик, — деди сухбат асносида директор. — Улар биргина бизнинг республикамизда эмас, балки Ўрта Осиё республикалари корхоналарида ўз соҳалари бўйича самарали меҳнат қилиб келишяпти. Чунончи, Денов ёғ-экстракция заводида смена инженери бўлиб ишлаётган Зуҳра Юзбоева, Янгийўл районидаги 2-парранделчилик фабрикаси цех бошлиғи Холхўжа Акбаров, Қалинин районидаги «Дамачи» совхози виночилик пунктининг цех мастери Файзулла Турсунбоев, Каттақўрғон район гўшт комбинатининг смена мастери Аҳмад Нуров, Қорақалпоғистон Автоном республикасининг Хўжайли районидаги гўшт комбинати бош инженери Рафиқ Валиев сингари кўпгина мутахассислар техникумимиз кадрлари бўлгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бу ерда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Кадрларни ҳар томонлама билимдон, ўқувли ва малакали қилиб тарбиялашда техникумнинг 60 нафар педагоги жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, ўз соҳасини чуқур эгаллаган мутаалимлардир.

Бўлажак пазандалар масканининг ўзига хос ажойиб анъаналари бор. Улар ҳар йили баҳор-ёз кезларида қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бериб, ем-хашак жамғаришда актив қатнашадилар. Бу йил ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар кучи билан райондаги Калинин, Назарали Ниёзов номли, шунингдек, «Ленинизм», ва «Партия XXI съезди» колхозлари далаларидан 800 тонна қуруқ ем-хашак тайёрланди. Шу билан бирга талабалар ёзги меҳнат семестрларида Усмон Юсупов номли ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси коллективига олма теришда яқиндан кўмаклашдилар.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида «Партия XXI съезди» колхозида ҳашарда қатнашган техникум ўқувчилари мардикор меҳнат қилиб, хўжаликнинг 600 тонна пахтасини териб беришди. Бу ишни амалга оширишга 500 нафардан зиёд ўқувчи ва ўқитувчи жалб этилди.

Бу йил барча қулайликлар муҳайё этилган махсус спорт комплексининг ишга туширилиши техникум талабаларини қувонтириб юборди. 180 ўринли иккита ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида. Келгуси, 1979 йили яна бир 405 ўринли типовой ётоқхона қурилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, 200 хўрандага мўлжалланган янги ошхона биноси ҳам келаси йили ўқувчиларга хизмат кўрсата бошлайди. Янги 4 қаватли ўқув корпуси эса 1980 йилда фойдаланишга топширилиши лозим.

Республикамиз ўрта махсус ўқув юртлари аро ўтказилган социалистик мусобақада барча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринни олган Янгийўл озиқ-овқат техникумининг истиқболи янада порлоқ.

М. ТУРОБОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. «Чирчиксельмаш» заводида янги спорт комплекси ишга тушди. Бу ерда учта зал мавжуд бўлиб, унда волейбол, баскетбол, қўл тўпи, бокс, кураш ва шахматшашка бўйича машғулотлар ўтказиш мумкин. Суратда: «Чирчиксельмаш» заводи спорт комплексининг умумий кўриниши.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

«ИЗВЕСТИЯ» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН

Кеча Москвадаги Лужники спорт саройида «Известия» газетаси совриниучун хоккейчиларнинг халқаро анъанавий турнири старт олди.

Бир неча йиллардан бери ўтказиб келинаётган бундай мусобақаларда фақат икки команда СССР ва Чехословакия вакиллари бош совриндан эгаси бўлишган эди. Агар совет спортчилари турнирларда 8 марта голиб келишган бўлса, Чехословакия хоккейчилари уч марта биринчи ўринни эгаллашган. Мухлислар бу йил ҳам голиблик учун ана шу икки команда даъвогарлик қилади деган умидда эдилар. Лекин Чехословакия командаси сафидаги машҳур хоккейчилар дарбозабонлар Холичек ва Дзурилла, ҳимоячи ва ҳужумчилар Поспишил, Махач, И. Холиклар ўйинларда иштирок этишмайди. Улар хоккей билан хайрлашдилар. Мухлислар Москва турнирида Чехословакия командаси сафида бир қатор қобилиятли ёшларни кўрадилар. Жумладан Фигало, Дюриш, Фричер, Гавличек, Свозиллар терма команда сафида ўйнайдилар.

Кечаги биринчи кунги мусобақаларда биринчи бўлиб майдонга Канада ва Финляндия командалари тушдилар. СССР хоккейчилари эса биринчи ўйинни Швеция командаси билан ўтказишди.

СОБИҚ ЧЕМПИОН ПЕШҚАДАМ

Тбилиси шаҳрида шахмат бўйича мамлакат чемпионати олий лига иштирокчиларининг беллашувлари давом этмоқда. 11 турдан сўнг жаҳоннинг собиқ чемпиони Михаил Таль 6,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Лев Полугаевский билан Валерий Цешковскийлар 6 тадан очко билан иккинчи-учинчи ўринларни эгаллаб турибди.

ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ ҒОЛИБИ

Халқаро шашка бўйича пойтахт биринчилиги учун ўтказилган мусобақанинг дастлабки тўрлариданоқ ўтган йилги биринчилик голиби В. Александров ҳамда қобилиятли ёшлар Ю. Шимонаев билан В. Деминлар пешқадамликни қўлга олишган эди. Чемпионлик учун кураш ана шу уч спортчи ўртасида борди. Турнирни мағлубиятсиз ўтказиб 9 имконият дан 7 очко тўплаган В. Демин биринчи ўринни эгаллади ва шаҳар чемпиони бўлди. В. Александров билан Ю. Шимонаевлар олтитадан очко билан иккинчи-учинчи ўринларни бўлишиб олдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 да

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ,

ШАРИФ СУЛТОНОВ, ОЙХОН ЁҚУБОВА.

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ҳотам Ҳожиев, Ражаб ИСМОИЛОВ, Изом САДРИЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ


Мусиқа раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАҲЛОЕВ олиб боради.

Ансамблнинг раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ХАЙИТОВА.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА УЙ ЭГАЛАРИНИНГ

ДИҚҚАТИГА



ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯГА ЭҲТИЁЖИ УНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ БИЛАНГИНА ЭМАС, БАЛКИ УНДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН ҲАМ ҚОНДИРИЛАДИ.

Энергияни рационал сарфлаш, айниқса сутканинг кечки ва эрталабки соатларида мақсадга мувофиқ сарфлаш электр таъминотида кескинликни пасайтиради ва ёқилғини кўпроқ тежаш имконини беради.

ҲАР БИР ГРАЖДАНИН кундузи электр лампаларининг бекўда ёнишига йўл қўймаслиги, бинодан чиқатуриб электр чироқни ўчиришни керак.

СУТКАНИНГ ЕРУҒ СОАТЛАРИДА ТАШҚИ ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛСА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОГОҲЛАНТИРИЛМАСДАН УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ.

«УЗЭНЕРГОСБИТ».

КОМАНДИР ТАШАККУРИ

ЯҚИНДА Янгийўл районидаги Мамажон ака ва Музинна опа Тожибоевлар онласига Маҳмуджон ҳизмат қилаётган қисм командиридан хат келди.

«Ҳурматли Мамажон ака ва Музинна опа. Ўғлингиз бизнинг қисмда хизматни яхши ўтаяпти... У қисқа муддат мобайнида одоби, меҳнатсеварлиги ва оператив ижрочилиги билан сафдошларининг ҳурматини қозонишга эришди. У жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочисидир.

Шундай ажойиб фарзанд — Ватан ҳимоячисини тарбиялаб, волга етказганлигингиз учун қисм қўмондонлиги Сизларга самимий миннатдорчилик билдиради.

Салом билан П-қисм командири ШЕПИЛО».

З. ҲАЙДАРОВА.

ҚОРДАН БОШҚА ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

Чимёнда қишки спорт мавсуми очилишига қордан бошқа ҳамма нарса тайёр. 17 декабрга мўлжалланган мавсумни очиш маросимини кейинга суришга тўғри келади. Қор бўлмаса қиш байрамини ўтказиб бўладими.

Мусобақалар ва меҳнаткашларнинг оммавий ҳордиқ чиқаришини ташкил этувчилар «қишки стадион» билан ҳордиқ чиқариш базаси тошкентликларга ёқсин деб кўп иш қилдилар. Бу ерга олиб борувчи йўл янгиланди ва кенгайтирилди. Тошкентдан бу ёққа яна бир автомобиль йўли очилди.

Тоғ чанғичиларини чўққига, старт олинадиган жойга етказувчи арқон йўл реконструкция қилинди. Тоғдан тез тушишни севадиган кишилар учун 800 метрли арқон йўл тайёрлаб қўйилди.

Янги мавсумда «Чимён» спорт базасида контрол-қутқарув хизмати биноси пайдо бўлди. Бу ерда синоптиклар билан медиклар ҳам жойлашади. Чанғи станциясининг биносига гранит қоплаб безатилди.

Ташкилотчилар озиқ-овқатни ҳам унутганлари йўқ! Замонавий кафе спортчиларни ҳам, ҳордиқ чиқарувчиларни ҳам қабул қилишга тайёр. Спорт моллари магазини, спорт асбобларини прокатга берувчи ва ремонт қилувчи пунктлар очилди.

Байрам программасида тоғ чанғиси спорти бўйича Тошкент биринчилигини ўтказиш мўлжалланади. Ҳордиқ чиқарувчилар чаналарда учадилар. Чимён этакларида чанғи пойгаси, қорда кичик футбол мусобақалари ўтказадилар. Бу ёғи оз қолди... Якшанба кунларидан бирида байрам бўлади, албатта.

Т. ГОЛУБКИНА, ЎзТАГ мухбири.

БИР ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Шу йил 27 май куни эрта билан соат ўнда 21-озиқ-овқат дўкони қаршисида такси машинаси тўхтаб, одмигина кийинган икки киши тушди. Бирининг қўлида семизгина портфель, иккинчисининг қўлида чарм папка бор эди. Такси жўнаб кетиши билан улар дўконга киришди. Портфель кўтарган йигит бир шиша ароқ сўраб, пештахта устига беш сўмлик қоғоз пул ташлади. Сотувчи Оллоқулов ароқ соат ўн бирдан сўнг сотилишини айтиб унинг илтимосини рад этди. Шунда бояги йигит бир шиша «шампан» биноси бориши ни сўради. Оллоқулов винони қоғозга ўраб унга узатди-ю, қайтимини санаб турган эди, папка кўтарган йигит қизил муқовали қандайдир ҳужжат кўрсатиб дўқ ура кетди:

— Ув мулла, қайтими қани буни? Мени ким эканлигимни биласанми? ОБХСС бошлиғининг ўринбосари Федотов бўламан. Уруғингни ўйнатиб қўймай яна!

Оллоқулов қайтимини энди санаб бермоқчи бўлганини, Федотов ноҳақ дўқ қилаётганини қанча айтса ҳам бўлмади. Қайтага ўзини Федотов деб танитган кимса баттар ғазжига чиқди:

— Дўконингни ҳозир муҳрлаб қўяман! Мол-мулкингни мусодара қилиб, ўзингни қамоққа тиқаман!

«Қамоқ» сўзи сотувчини довдиратиб қўйди. Сал кам йигирма йил савдо соҳасида ишлаб, бунақа аҳволга тушмаган эди. Кўз олдига чириллаб ойлаётган болалари-ю, уввос солиб сочини юлаётган хотини келди... Аксига олиб дўконда ҳеч ким ҳам йўқ, унинг ёнини олса. Ғирт тухматга қолиб ўтирибди-я!.. Кўзлари жовдираб нима қилишини билмай турган эди, портфель кўтарган йигит Федотовга қараб гап қотди:

— Майли, Альберт, қўй, гапни кўпайтирмайлик. Бола-чақали одам экан...

— Ие, бола-чақани ҳаром пул билан боқадими инсон деган!! Бизда ҳам бор бола!... Ҳозир протокол ёзаман.

Федотов дарҳол папкасидан бланка олиб, протокол тузишга киришди. Оллоқулов портфелли йигитдан ёрдам қилишни сўраган эди, у Федотовни бир четга тортиб нималарнидир маслаҳатлашиб олди ва секингина «Юз сўм беринг, аранг кўндирдим», — деди. Оллоқулов елкасидан тоғ агдарилгандек енгил тортиб, дарҳол кассадан еттита ўн сўмлик ва олтита беш сўмлик пулни санаб олиб берди. Федотов пулни чўнтагига солар экан, беўхшов иршайди:

— Кам эмасми?

— Юз сўм, санаб кўринг...

— Яна 1 сўм 33 тийин чўз, хумпар. Беш сўмдан қайтимни бермадинг-ку!..

...Оллоқулов улар чиқиб кетгандан кейин дўконни ёпиб қўйиб анча ўйлади. Булар ОБХСС ходимлари эмас, балки фирибгарлар деган қарорга келди-ю, дўконни қулфлаб йўлга тушди. У аризани кўтариб Октябрь район ички ишлар бўлимига кириб келганида, у ерда эрталабки «таниш»ларини учратди. 8/2-сон озиқ-овқат дўкони хизматчиларининг хушёрлиги ва милиция ходимларининг тезкорлик билан кўрган чоралари туфайли, ҳамма ерда ўзларини ОБХСС ходимлари деб танитадиган бу икки фирибгар — Илҳомов ва Титов қўлга олинган эдилар.

Тергов давомида Илҳомов ва Титов ўзларининг барча айбларини инкор этдилар. Ҳатто воқеани шарҳлаб ўз қўллари билан ёзган тушунтириш хатларини ҳам «терговчининг айтган сўзларидан ёзганман, барчаси уйдирма», деб кўз ёш қилишга ҳам боришди. Лекин икки фирибгар гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар қаршисида лом-мим деёлмай, айбларига иқрор бўлдилар. Суд уларни қилмишларига яраша жазолади.

Ушбу ҳодисадаги икки вазият одамни ҳайратга солади. Нима учун Оллоқулов кабилар милиция ходимларини пора эвазига сотиб олиш мумкин деб хато ўйлайдилар?

Оллоқулов ўз хатосига тушуниб ариза кўтариб милиция бўлимига ёрдам сўраб келди. Эгилган бошни қилич кесмайди. Оллоқуловнинг ҳаракатларида (маълумки, Титов ва Илҳомов ўзларини мансабдор шахс сифатида танитганлар) УзССР Жиноят Кодексининг 153-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари бор — у мансаб вазифасини ўтаётган шахсларга пора берган. Фақатгина ўз хатосини вақтида тушуниб етгани ва жиноятчиларни фош этишда сидқидилдан ёрдам берганигина уни жазодан сақлаб қолди. Лекин Оллоқулов каби шахслар қали ҳам учраб турадику! Оллоқуловларнинг жамиятимизда пайдо бўлишига сабаб нима?!

Савдо соҳасида баъзан харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, сездо қоидаларини кўпол равишда бузиш ҳоллари аҳён-аҳёнда бўлса-да рўй бераётир.

Халқлар бир-бирига уланиб бус-бутун занжирни ташкил қилганидек, бир камчилик бошқасини, янада зиёнроғини келтириб чиқаради. Шу камчиликларга асосан жиноят занжири мўмай пулга муккасидан кетган Титов ва Илҳомов кабиларга кишан бўлади. Занжир ҳақидаги ўхшатишни бу ерда бекорга келтирмадик. Ҳаётнинг ҳар бир ижро-чилиги доимо ўзаро боғлиқ. Биринчи халқа — савдо қоидаларининг бузилиши иккинчи халқага — қалбаки ҳужжатларни ясашга олиб келади. Шу аснода занжир узайиб, мансабдор шахс ваколатини ўзбошимчалик билан ўзлаштиришига ва охирги марра — фирибгарлик ва порахўрлик жиноятлари содир бўлишига сабабчи бўлади. Оллоқуловга ўхшаган шахслар йўқолмас экан, титовлар-у илҳомовлар ҳам ҳеч қачон йўқ бўлмайди.

Н. МЎМИНОВ,
Октябрь район ички ишлар бўлими катта терговчиси,
С. СОДИҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ҲИНД ЮМОРИДАН

АРКТИКАНИ текширувчилардан бири ўртоқларига мақтаниб:

— Биз турган жойда ҳаво шундай совуқ эдики, ҳатто ёниб турган шамлар яхлаб қолди ва биз уларни ўчиролмай қийналар эдик, — дебди.

Буни эшитиб турган иккинчи бир Арктикани текширувчи мақтанчоқликни жуда ҳам ошириб:

— Э-э, сиз айтган совуқлар ҳам совуқми? Биз турган жойда совуқ шунчалик қаттиқ бўлдики, ҳатто айтган сўзларимиз ҳам оғзимиздан ях бўлиб чиқарди. Нима тўғрисида гапиришганимизни тушуниш учун, сўзларимизни эритишга мажбур бўлардик, — дебди.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат, Ленин комсомоли мукофотларининг лауреатлари «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 13.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Мусиқали кичик. 14.45 — Ҳужжатли фильм. 15.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.15 — Эстрада концерти. 16.50 — Халқаро панорама. 17.35 — Французча дарслар. Бадиий фильм. 19.00 — «Известия» газетасининг совриниучун хоккей бўйича халқаро турнир. 21.15 — Концерт. 21.50 — Вақт. 22.05 — Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.15 — Ҳужжатли фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.45 — Бепоён Ватаним менинг. 11.00 — Болалар учун телевизион театр. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Еш киноҳаваскорлар клуби. 14.00 — Шахмат мактаби. 14.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 15.00 — Реклама ва эълонлар. 17.05 — «Малишок». 17.35 — «Инсон ва қонун». 18.05 — Ешлик. 18.55 — Турмуш ва маданият. 19.15 — Ахборот. 19.30 Фильм-концерт. 20.10 — Гилдирак. Бадиий фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Еш ижрочилар концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Порлоқ нур сари. Бадиий фильм. 23.35 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

18 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — «Табассумингиз нечун». Бадиий фильм. 11.30 — «Ҳайвонот оламида». 12.30 — Янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.25 — Халқаро конкурс лауреатлари. 17.00 — «Онамларнинг мактаби». 17.40 — «Орлёнок». 18.30 — Концерт. 19.00 — «Расмларда кузёш акси бор». 19.15 — «Учинчи йил — зарбдор йил». 20.00 — «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.30 — «Ешлар адресларига». 21.30 — «Вақт». 22.05 — Фильм-концерт. 22.30 — «Известия» газетаси совриниучун хоккей бўйича халқаро турнир. Финляндия — СССР.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ёқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — География. 18.00 — Болалар учун фильм. 18.15 — Усмирлар учун кўрсатув. 18.55 — «Ёркин истиқболлар». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Олим Хўжаев». Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 — «Ўдим билан олишув». Бадиий фильм.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/XII да **Князь Игорь** (12.00), **Бир антли балетлар** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XII да **Уйланиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/XII да **Шаҳзода ва етим қиз**, (12.00). **Тошкентнинг нозанин маликаси** (19.30), 18/XII да **Гулбаҳор қани?**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «Ўргатилган шерлар» аттракциони (ўргатувчи Ольга Борисова, 12, 16 ва 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325547; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07970. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Д—2546. 21